



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 220 (12.281)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### ЗАМОНАВИЙ МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг амалиётга жорий этилиши ва бу борадаги долзарб вазифаларга бағишланган семинар ўтказилди.**



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, соҳа мутахассислари, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Хўжаев, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Ш.Қаюмов, халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбеков ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнаомлигида ташкил этилаётган замонавий ахборот-

кутубхона муассасалари ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун бу йўналишда олиб борилган ишларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бугун мамлакатимизда 14 ахборот-кутубхона ва 2863 ахборот-ресурс марказлари, 9 мингдан ортиқ кутубхоналар самарали фаолият юритмоқда. Соҳага замонавий компьютер ва мультимедиа технологиялари жадал жорий этилиб, зарур адабиётлардан электрон шаклда фойдаланиш йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги мухташам биноси бунёд этилди. Ҳозирги кунда 6,5 миллиондан ортиқ китоб фон-

дига эга мазкур маърифат масканида миллий ва хорижий ахборот-кутубхоналарда сақланаётган адабиётлардан кенг фойдаланишда китобхонларга халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатилмоқда.

Семинарда ахборот-кутубхона муассасаларининг фондларини шакллантириш ва ягона ахборот тизими орқали бирлаштириш, уларнинг сақланишини таъминлаш, мамлакатимиз ва хориж кутубхоналари фондларининг маълумотлар базасидан масофада туриб фойдаланишни такомиллаштириш, илғор дастурий маҳсулотларни тизимли жорий этиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга доир маърузалар тингланди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

**Араб мувофиқлаштириш гуруҳи делегациясининг юртимизга ташрифи доирасида 6 ноябрь куни Тошкентда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари вакиллари иштирокида мажлис бўлиб ўтди.**

## АРАБ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ГУРУҲИНИНГ МАЖЛИСИ

Унда Араб мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари – Ислом тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси, Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси, ОПЕК-нинг Халқаро тараққиёт жамғармаси, Абу Даби тараққиёт жамғармаси вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнаомлигида иқтисодийнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган кенг қўламли ва изчил ислохотлар халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Меҳмонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, соҳада амалга оширилаётган янги лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиздаги хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва ху-

сусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришларга юксак баҳо бердилар.

Ўзбекистоннинг Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорлиги йил сайин ривожланиб бормоқда. Ҳозиргача ИТБ билан ҳамкорликда умумий қиймати 186,4 миллион АҚШ долларига тенг ўрта лойиҳа амалга оширилган. Умумий қиймати 277,4 миллион АҚШ долларига тенг яна бешта лойиҳа амалга оширилиш босқичида. Ислом тараққиёт банки билан 2011-2013 йилларга мўлжалланган уч йиллик ҳамкорлик дастури устида иш олиб борилмоқда.

ИТБ фаолияти асосан иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмаларни, ташқи савдони ривожлантиришга кўмаклашиш, техникавий ёрдам кўрсатиш каби соҳаларга йўналтирилган. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, минтақавий лойиҳаларни молиялаштириш ҳам устувор соҳалардандир.

(Давоми 2-бетда)

**Яқинда Япония пойтахтида бўлиб ўтган Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдиротида Кунчиқар мамлакатнинг етакчи сайёҳлик компаниялари, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, маданий-гуманитар доиралари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.**

## ТОКИОДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Тақдимот чоғида Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳияти, ушбу соҳа тараққиётидаги устувор йўналишлар, ўзбек халқининг ўзига хос ва бой маънавий-маданий мероси, юртимиз заминидagi бетақдор тарихий меъморий обидалар, ўлкаимизнинг жўғрофий, табиий ва иқлимий шарт-шароитлари тўғрисидаги маълумотлар тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди. Хусусий фирмалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва сайёҳлик индустрияси инфратузилмасини такомиллаштириш орқали мамлакатимизда сайёҳлик жабҳасини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар тақдимот қатнашчилари томонидан юқори баҳоланди.

Тадбир сўнгида Япония жамоатчилигининг вакиллари «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Жумладан, Япония Сайёҳлик агентликлари уюшмасининг ижрочи директори Хироши Савабе таъкидлаганидек, Ўзбекистон сайёҳлик жабҳасининг кўплаб вакиллари иштирокида ўтган мазкур тақдимот маросими Япония компаниялари ва жамоатчилиги учун мамлакатимиз билан яқиндан ва ҳар томонлама танишиш имкониятини яратди. «Ўзбекистон эга бўлган бой сайёҳлик салоҳиятидан ҳабар толган ҳар бир кишининг қалбига ўлкангизни ўз кўзи билан кўриш истаги туғилади», деди у.

Х.Савабе Буюк Ипак йўлида сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон томонидан олиб борилган сўз сўз ҳамда Ўзбекистон заминининг бой маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш, кўна меъморий обидаларни сақлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларни юксак баҳолади. Унинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг Европа минтақавий гуруҳидан 2011-2015 йиллар давомида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Ижроия кенгаши аъзоллигига сайлангани мамлакатимизнинг халқаро сайёҳликни ривожлантиришидаги юксак ўрни ва аҳамиятидан далolat беради.

«MIKI TOURIST» сайёҳлик компаниясининг бош менежери Тошиқуни Сато сўнги йилларда кўплаб япониялик сайёҳларнинг Буюк Ипак йўли маркази ҳисобланадиган Ўзбекистонга нисбатан қизиқиши тобора ортиб бораётганини айтди. Унинг сўзларига қараганда, республикамиз заминида қарор топан тарихий ёдгорликлар мавзуси Япония оммавий ахборот воситаларида атрофича ёритилаётгани ҳам Ўзбекистон билан танишиш учун қўшимча имкониятларни яратгани ҳолда икки мамлакат ўртасидаги маданий алмашинувларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. «Инсон доимо саёҳат қилишни севиб келган, зеро бу орқали инсон дунёни танийди, бошқа халқларнинг ҳаёт тарзи ва аънавалари, давлатлар ва минтақаларнинг тарихи билан танишади, бу эса, ўз навбатида, халқларнинг бир-бирларини яхшироқ билишларига имкон беради, деди Т.Сато. Ниҳоятда қизиқарили ва бой тарихга эга мамлакат бўлган Ўзбекистонда сақланиб қолган кўп сонли бетақдор ёдгорликлар ўлкангиз ўтмишининг буюклигидан далolat беради».

«AJT INC.» сайёҳлик компаниясининг президенти Норихико Баба фикр билдирганидек, Ўзбекистоннинг маданий мероси умуминсоний кадрият ҳисоблангани ҳолда бошқа мамлакатлар учун ўз ўтмиши, тарихий илдизлари ва аънаваларига қай тарзда ёндошишининг намунаси сифатида хизмат қилади.

Унинг сўзларига қараганда, бой салоҳият ва сайёҳлик индустриясининг юқори даражада тараққий этгани сабабли бугунги кунда Ўзбекистон хорижий сайёҳлар учун ўрта Осиёдаги энг жозибадор ўлкалардан бири бўлиб қолмоқда. «Ишончим комилки, мамлакатингизга ташриф буюриш ва унинг диққатга сазовор жойлари билан танишиш истагида бўлган сайёҳларнинг сони бундан кейин ҳам ортиб бораверади», деди у.

«Жаҳон» АА Токио

**XXI саҳоси**  
Барча мазбалардан олинган сўнги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда Ҳиндистон Техник ҳамкорлик дастури (ИТЕС)га бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналиши бўлган мазкур дастурнинг аҳамияти, бу борадаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

• Кўнғирот туманининг Қиёт қишлоғида ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Натижада ҳудудда яшовчи 1316 нафар аҳоли хонадонига зилол сув кириб борди. Бунёдкорлик ишларига 354 миллион сўм йўналтирилиб, 6 километр масофага қувурлар ётқизилди.

• Пастдарғом туманининг Мевали қишлоғида тадбиркор Хайрулло Ўсаров саъй-ҳаракати билан пишиқ гишт ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 141 минг АҚШ доллари эвазига Хитойдан илғор технологиялар келтирилгач, бу ерда йилига 15 миллион дона деворбоп материал тайёрлаш имконияти юзага келди. Лойиҳа шарофати билан 80 кишининг бандлиги таъминланди.

• Олтинкўл туманидаги Ойшахоним маҳалласида «Афсона» маиший хизмат ва соғломлаштириш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қурилиш-монтаж ишларига 2 миллиард 290 миллион сўм сарфланди.

## ЖАҲОНДА

• АҚШда содир бўлган Сэнди довули оқибатида юздан зиёд одам ҳалок бўлди. Маҳаллий матбуотнинг хабар қилишича, қор аралаш кучли тўфон соатида ўн етти километр тезлик билан ҳаракатланган. Тўфон АҚШнинг Мэриленд, Нью-Жерси, Делавэр, Коннектикут, Пенсильвания, Массачусетс, Вермонт, Огайо, Виржиния ва Шимолий Каролина штатларининг катта қисмига зиён етказган. Маълумотларга кўра, тўфон оқибатида мамлакатдаги ерости ва ерусти транспорт ҳаракати маълум муддат тўхтаган. Авиакомпанияларда икки мингта яқин рейслар бекор қилинган.

• Франциялик олимлар мунтазам спиртли ичимлик ичадиган одамлар бу каби маҳсулотни жуда кам истеъмол қиладиган ва умуман ичмайдиган кишиларга нисбатан 14 йил аввал инсульт хасталигига чалиниши мумкин, демоқдалар. Франциядаги Лилль университети ходимлари олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 60 ёшдан кичик бўлган «ичувчилар» инсульт хуружига учраганидан кейинги икки йил ичида ҳаётдан кўз юмиши мумкин экан. Шифокорларнинг сўзларига кўра, спиртли ичимликларни кўп миқдорда ичиши оқибатида ёшлик чоғида ҳам инсультнинг оғир турига дучор бўлиш хавфи бор.

• Хитойлик олимлар тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш кўзга катаракта тушиши – кўз хиралашишига олиб келиши мумкин, деб таъкидламоқда. Узок вақт олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида маълум бўлишича, чекувчиларда чекмайдиганларга нисбатан кўзнинг ушбу турдаги касаллигига чалиниш хавфи анча юқори. Хитойнинг Чжэцзян университети қошидаги Офтальмология институти вакиллариининг сўзларига кўра, катарактнинг ўз вақтида олди олинмаса ёхуд тўғри даволанмаса, кўрликка сабаб бўлиши мумкин. Шу боис экспертлар чекишдан бутунлай фориғ бўлиш лозимлигини тавсия этмоқда.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан «Оммавий

ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ижтимоий ше-

риклик ва жамоат назорати тизимида жамоат кенгашларининг роли ва аҳамиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар ҳоки-

мияти ташаббуси билан Сергели туманидаги мактаб, касб-хўнаар ва академик лицей ўқувчилари учун Темирийлар тарихи давлат музейи, Тошкент планетарий ҳамда ҳайвонот боғига саёҳат уюштирилади.



Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини рўйбга чиқаришда қўмаклашиш, имтиёз ва имкониятлар яратиш, аввало, шинам уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу вазифалар ижроси тижорат банклари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Бу борада бошқа ташкилотлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг бўлим ва филиаллари томонидан муносиб ҳисса қўшиб келинмоқда. Бугунги кунда Бош бошқарманинг пойтахтимизда 16 та бўлим ва филиаллари мавжуд бўлиб, Давлат дастури талаблари доирасида ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан ёш оилаларни кенг қўламада қўллаб-қувватлаш чораларини кўрмоқда.

Жумладан, ёш оилаларга, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиялаш учун, имтиёзли шартлар асосида жорий йилнинг ўтган даврида 1419,3 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Натижада 200 дан ортқ янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг март ойида ўтказилган танловда мижозлар орасидан олти тадбиркорнинг жами 3500 миллион сўмлик лойиҳалари танлаб олинди. Ушбу мижозларга қимматбахо совгалар қаторида имтиёзли шартлар асосида кредит олиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатлар топширилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг тобора кенгайиши мамлакатимизда бугунги тез ўзгарувчан бозор талабларига жавоб берадиган мустаҳкам иқтисодий шакллантиришда, янги иш ўринлари

**Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кучли ижтимоий сибсат аҳоли манфаатларини ҳимоялаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида яратилган кенг имкониятларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Бунинг самарасида ўз бизнесини йўлга қўйиб, эл-юртимиз фаровонлиги ва ободлигини янада юксалтиришга ҳисса қўшаётган оилавий тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда.**

ташкил этиш ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис тижорат банклари кичик бизнес субъектлари билан бир қаторда таълим муассасалари битирувчиларининг бизнес режаларини молиялаштиришга доимий эътибор қаратмоқда. Ушбу йўналишда ҳозирга қадар 2006,07 миллион сўм миқдоридида кредитлар ажратилиб, халқ ҳўжалигининг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда чорвачилик соҳаларини ривожлантиришга

диган фоиз ставкасида 14,4 миллион сўм миқдоридида кредит маблағи берилди.

Шу билан бирга, оилаларда аёллар қўл меҳнатини энгилаштириш учун ошхона анжомлари, кир ювиш машинаси, чанг юттич ва бошқа маиший техника воситалари хариди учун юз нафарга яқин оилаларга 582,3 миллион сўм миқдоридида сармоа ажратилди. Бунга Ўзмилийбанкнинг «Академик» филиалининг мижози З.Мирзаевага ажратилган 8 миллион сўм миқ-

хосибидан 240,0 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди ва бу орқали қўллаб янги иш ўринлари яратилиб, оилаларнинг фаровон турмуш тарзини таъминлашига ҳисса қўшилди. Ўзмилийбанк Ҳамза филиали мижози "Саховат нон" масъулияти чекланган жамиятига нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида ажратилган 2 миллиард сўм, «Академик» филиали мижози "IMKON PLYUS" корхонасига сут маҳсулотларини қайта иш-

кўрсатилган хизматлар учун экспорт тушумлари 913,83 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,0 фоиз кўп демакдир.

Тадбиркорлик субъектларига қўшимча қулай шартшароит ва имкониятлар яратиш бериш мақсадида ҳозирги кунда Бош бошқарманнинг ҳар бир бўлими ва филиалларида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилган бўлиб, юқори малакали ва тажрибага эга бўлган банк мутахассислари томонидан тадбиркорларнинг банк масалаларига оид саволларига жавоб бериб келинмоқда.

Аҳоли фаровонлигини таъминлашида уларнинг баҳор-қиш мавсумидаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун банк томонидан ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, пойтахт аҳолисини арзон ва сифатли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида, ижтимоий муҳим турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини (картошка, пиёз, сабзи, гуруч, қарам, полиз экинлари, мевалар, дуккакли ўсимликлар ва бошқалар) етиштирувчилар ва захира тадбирларига жалб қилинган тайёрловчи корхоналар ўртасида тузилган шартномалар бўйича мақсадли кредит ресурслари ажратилиши йўлга қўйилди. Жумладан, 2012 йилнинг 1 октябр ҳолатига Бош бошқарманнинг бўлим ва филиалларига бириктирилган бозорлари ҳўзуридаги «Элга хизмат» шўба корхоналарига 2011-2012 йил қиш-баҳор мавсумида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини харид қилишлари учун 1,3 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари, иқтисодий ночор, кам қувватли, фаолиятсиз корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш дастурига асосан, Ўзмилийбанк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси йигирмадан ортқ корхонага хизмат кўрсатмоқда. Ушбу корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш ва сақлаб қолиниши учун 67,06 миллиард сўм инвестиция жалб қилиниши ва бунда банк кредити 48,78 миллиард сўмин ташкил этиши кўзда тутилган. Жорий йилнинг 1 октябр ҳолатида 22 та корхонага 50,44 миллиард сўм миқдоридида кредит маблағлари йўналтирилиб, иқтисодий ночор ва кам қувватли корхоналарни қайта тиклашига муносиб ҳисса қўшилди.

**Банк ахборот хизмати**

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

**БАНКЛАР САРМОЯСИ — ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИГА**



йўналтирилди ва 150 дан ортқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Мисол учун, Ўзмилийбанк Учтепа филиали томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-лойиҳаларини молиялаш мақсадида тумандаги коллеж битирувчиси З.Минаев раҳбарлик қилаётган "Ҳамидулло Бизнес" масъулияти чекланган жамиятининг аломиний ва пластик эшик ромларини ишлаб чиқариш ва йиғиш бўйича бизнес-лойиҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 18,0 миллион сўм миқдоридида маблағ йўналтирилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узок муддат фойдаланиладиган товарлар, жумладан мебель, мураккаб маиший техника ва бошқа уй-анжомларини харид қилиш учун имтиёзли фоиз ставкаси бўйича, уч йилгача муддатга 172 та ёш оилаларга 1799,9 миллион сўм миқдоридида истеъмом кредитлари ажратилди. Хусусан, Мирзо Улугбек филиали томонидан ёш оила бошлиғи М.Расуловга мебель ва интерьер жиҳозлари харид қилиши учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмай-

доридаги имтиёзли кредит ёрқин мисолдир.

Ҳозирги кунда қўллаб тижорат банклари томонидан аҳолини ва кичик бизнес субъектларини банкларга бўлган ишончини ошириш борасида қўллаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу қаторда Ўзмилийбанк томонидан иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини базавий тармоқларида модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш жараёнларини фоллаштириш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий мослашувчан минитехнологияларни харид қилиш, ички ва ташқи бозорларда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини янада ошириш учун ҳўжалик субъектларига кредит маблағлари ажратиб келинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида Бош бошқарманнинг бўлим ва филиаллари томонидан иқтисодийнинг реал сектори корхоналари ҳамда кичик бизнес субъектларига банкнинг барча молиялаш маблағлари

лаш лойиҳаси бўйича ажратилган 2,4 миллиард сўм, банкнинг Марказий амалиёт бўлими мижози «Milk Evro Food» масъулияти чекланган жамиятига сариёғ маҳсулотини ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича берилган 2 миллиард ҳамда Сергели филиали мижози "MET-FUR-SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига автомобилнинг базавий тармоқларида модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш жараёнлари кредит маблағлари шулар жумласидандир.

Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш натижасида уларга ажратилган кредитлар ҳисобига 1600 дан ортқ янги иш ўринлари ташкил этилди ва ушбу кўрсаткичнинг жорий йил якунига қадар 2000 тага етказиш мўлжалланмоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар салмоғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар ўсган. Яратиб берилган имконият ва қулайликлар натижасида 2012 йилнинг 1 октябр ҳолатига банк мижозлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва

**ҲУҚУҚ УСТУВОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА**

**Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш давлатнинг сибсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.**

Юртбошимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолаётгани қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Миллий матбуот марказида ўтказилган «Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат йўналишида давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш» мавзусидаги матбуот анжумани ҳам ана шу масалаларга бағишланди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 23 августидидаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш каби вазифаларга алоҳида урғу берилиб, шу мақсадга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш вазирлигининг асосий вазифаси этиб белгиланганлиги таъкидланди.

Айни пайтда барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ҳамда маърифат соҳасида амалга оширилган ишлари таҳлил қилинмоқда. Тарғибот ва маърифат соҳасида тегишли кўрсатма, қўллама, тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Адлия органлари томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида қабул қилинган фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини алоҳида етказиш, Миллий дастур ижросини таъминлаш мақсадида кенг қамровли тадбирлар ташкил этилмоқда. Маҳалларда аҳоли ва ёшлар билан учрашув, анжуман ва давра суҳбатлари ташкил этилаётди. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида мақсуд йўналишларда 42 мингдан ортқ тадбир ўтказилди. Айниқса интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси «LexUz»нинг яратилгани аҳолига ҳуқуқий ахборот етказиб бериш борасидаги ишларни янада жонлантирди. Ўзбек ва рус тилларидаги 25 мингга яқин ҳужжат жамланган ушбу базадан фуқароларимизнинг бепул фойдаланишлари йўлга қўйилган.

Анжуман сўнгида журналистларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма йиллик санасини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Фармойиши юзасидан белгиланган вазифалар, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, юридик адабиётлар наشري билан боғлиқ масалаларда амалга оширилган ишлар ҳақида атофлича маълумот берилди.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**

**МАВСУМГА ШАЙ**

**Бугунги кунда ҳеч бир хонадон эгаси йўқки, уйини ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газсиз тасаввур қилолмайди.**

Аммо уйимизга қанчадан-қанча маблағ ва машаққатли меҳнат эвазига жўнатилаётган ана шундай «беимнат неъмат»ларнинг қадрига ҳар доим ҳам етавермаймиз. Натижада қанчадан-қанча бемақсад оқиб ётган сув, электр энергияси ёки зангори оловнинг исроф этилишига сабабчи бўлаемиз. Гоҳида эса уйимизда табиий газни бир дона гургут чўпини ёқишдан эриниб, унинг эртаю кеч бесамар ёниб ётишига йўл қўямиз. Ваҳоланки, дунёнинг жуда кўпгина давлатларида табиий газ захираси қамайиб бораётган бир вақтда ундан ниҳоятда оқилона фойдаланишимиз тақозо этилади.

Қайд этиш зарурки, айни пайтда пойтахтнинг «Як-касаройтумангаз» таъминоти корхонасини куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш борасида илғор жамоалардан бири, дейиш мумкин. Сабаби мақсуд жамоа тайёргарлик ишларини ёз пайтидаёқ бошлаб юборишганди.

— Натижа эса ёмон бўлмади, — дейди биз билан суҳбатда бош муҳандис Дилшод Тўраев. — Худудда биринчилардан бўлиб мавсумга ҳозирлик ишлари якунланди. Ўтган вақт мобайнида корхона жамоаси мутахассислари томонидан тўртта газ тақсимлаш пункти таъмирланиб, зулфин, кран ва газни бошқарув мосламалари янгиларига алмаштирилди. Шунингдек, режадаги юз погон метр ўрнига 400 погон метрлик газ қувурлари назорат кўригидан ўтказилиб, ортқча газ исрофгарчилигининг олдини олиш мақсадида тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Бундан ташқари, газ таъминоти идораси мутахассислари аҳоли ва ташкилотлардаги мавжуд 25 минг 600 тадан ортқ дудбўронлар кўздан кечирилиб, уларнинг ярқисилари тайёр ҳолига келтирилди. Албатта, буларнинг бари истеъмолчиларга кишининг қировли кўнларида ҳам етарли миқдорда газ етказиб беришга хизмат қилади ва эҳтимолли авария ҳолатларининг олдини олиди.

Бунинг натижасида, худудда мавсум давомида газ таъминоти масаласида ҳеч қандай ортқча муаммоларга йўл қўйилмаслиги таъминланади. Фақатгина истеъмолчилардан йил якунига қадар фойдаланган газ ҳақлари бўйича тўлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш, мавсум давомида ундан тежаб фойдаланиш, ортқча газ исрофгарчилигининг олдини олиш талаб этилади. Ахир ҳалқимиз «Қарс ички кўлдан чиқад», деб бежиз айтишмайди. Шундай экан, агар ушбу нақлга қатъий амал қилсак хонадонларимизда газ таъминоти узлуксизлигига ўзимизнинг ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**(Ўз муҳбириимиз)**

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

— Ислоҳ тараққиёт банки Ўзбекистон билан кўп йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келаётди, — деди мақсуд банк президенти Аҳмад Муҳаммад Али ал-Мадани. — Ўзбекистон табиий бойликларга бой ва халқи юксак салоҳиятга эга мамлакат. Араб мувофиқлаштириш гуруҳи мажлисининг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда ўсиб бораётган обрў-эътиборининг яна бир эътирофи эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўтказилган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар келгусида икки томон учун ҳам манфаатли натижалар беришига ва ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамлашига ишончимиз комил.

Президент Ислоҳ Каримовнинг 2004 йилда Кувайтга ташрифи асносида Ўзбекистон билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланган, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган эди.

Ҳозирги кунга қадар меморандум доирасида Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан ҳамкорликда «Тошкент (Тўқимачи) темирйўл участкасини электрификациялаш», «Шаҳар ва туман марказий касалхоналарининг 171 та тез ёрдам бўлиналарини табиий жиҳозлар билан таъминлаш» каби лойиҳалар амалга оширилди. «Республика ихтисослаштирилган кардиология марказини юқори технологияли табиий ускуналари билан жиҳозлаш» ва «Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида дренаж ва ирригация тармоқларини қайта тиклаш» каби лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом этамоқда.

**АРАБ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ГУРУҲИНИНГ МАЖЛИСИ**

— Мамлакатимизда иқтисодийни юксалтириш борасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилаётди, — деди Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармасининг Марказий Осиё ва Европа мамлакатлари бўйича минтақавий менежери Юсеф ал-Бадер. — Бу ғоят қувонарли. Жамғармаимиз Ўзбекистон билан узок йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келади. Турли соҳаларда умумий қиймати 110 миллион АҚШ долларига тенг бўлган қўллаб қўшма лойиҳалар амалга оширилди. Келгусида лойиҳалар қамрови янада кенгайди, деган умиддаман.

Саудия тараққиёт жамғармаси ривожланаётган мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этиб келади.

— Бугунги Араб мувофиқлаштириш гуруҳи йиғилиши Саудия тараққиёт жамғармаси билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётди, — деди Саудия тараққиёт жамғармаси бошқаруви раисининг ўринбосари, ижрочи директор Юсеф ал-Бассам. — Мамлакатимизда барча соҳаларда янгиланишларни бошдан кечирмоқда. Мамлакат иқтисодийтини тараққиёт эттириш борасида Президент Ислоҳ Каримов томонидан олиб борилаётган ишлар ташкилоти лойиҳидир.

Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) Халқаро тараққиёт жамғармаси ташкилотга аъзо ва ривожланаётган мамлакатлар билан нефть саноати соҳа-

сида ҳамкорлик қилади. Абу Даби тараққиёт жамғармасининг фаолияти йўллар, ҳаво ва денгиз бандаргоҳлари, электр таъминоти, қишлоқ ҳўжалиги, алоқа, турар жой бинолари қурилиши, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, саноат ва сайёҳликни ривожлантириш каби қўллаб соҳаларга қаратилган.

Мажлис иштирокчилари Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон иқтисодийида катта муваффақиятларга эришилаётганини алоҳида қайд этдилар. Жаҳон иқтисодий инкирози даврида Ўзбекистон иқтисодийини барқарор ривожлантириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини муттасил ошириш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни ва қўлга киритилаётган ютуқларни юқори баҳоладилар.

Томонлар қишлоқ ҳўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизмат, кимё ва металлургия саноати, энергетика, қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга доир соҳалардаги ҳамкорликнинг истиқболлари юзасидан атофлича фикр алмашди.

Анжуман якунида мамлакатимизнинг тегишли вазирлик, идора ва компаниялари билан Араб мувофиқлаштириш гуруҳига аъзо муассасалар ўртасидаги ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

**Мадина УМАРОВА,  
Ўза муҳбири**

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимизда биологик хилма-хилликни сақлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва бу борадаги долзарб вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н.Умаров, Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами генотипи институти директори Б.Тўхтаев ва бошқалар биологик захираларни асраш ва кўпайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар атроф-муҳит мусоффолигини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрда қабул қилинган «2008-

**Қарор ва ижро**

**БИОЛОГИК РЕСУРСЛАР — ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА**

2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»ги қарори бу йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Мамлакатимизда биохилма-хилликни асрашнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириш,

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтириш, жамоатчиликни экологик лойиҳаларга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида кўриқхоналар ҳудуди кенгайиб, ноёб флора ва фауна асраш ва кўпайтириш ишлари изчил амалга оширилаётди.

Устурут платосида БМТ Тараққиёт дастури ва Глобал экологик жамғарма билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳа натижасида камбўжондорлардан бири – сайгоқларни асраш, ноёб ҳайвон турлари популяциясини ўрғаниш ва экологик муҳитни барқарор сақлашга эришилмоқда.

Матбуот анжуманида биохилма-хилликни асрашга оид дастурлар ижроси, биологик ресурсларни муҳофаза қилишда илмий-тадқиқот ишларининг аҳамияти, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтириш, балиқчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида маърузалар тингланди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

**Б.ХИДИРОВА,**  
**ЎЗА мухбири**

**Тиббиёт**

**САЛОМАТЛИК ОЙЛИГИ**

**14 ноябрь Қандли диабетга қарши кураш кунини деб эълон қилинган. Шу муносабат билан юртимизда бир ой давомида диабетга қарши кураш ойлиги ўтказилади. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда шу хусусда сўз борди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ташкил қилинди. Унда олимлар, шифокорлар ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Худоев, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори С.Исмоилов Президентимиз раҳномалигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, аҳолига эндокринологик тиббий ёрдам кўрсатиш сифати, касалликни олдини олиш, камайтириш, тез ва самарали даволаш, эрта ташхис қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар тобора юксалиб бораётганини таъкидлаб ўтдилар.

Бугунги кунда шифохоналар, оилавий поликлиникаларда қандли диабетни аниқлашда зарур бўлган лаборатория-таҳлил воситалари замонавий тиббиёт ускуналари билан тўлиқ таъминланган. Тиббий муассасалари ва эндокринология диспансерларида чуқурлаштирилган тиббий кўрик учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази бу соҳадаги етакчи шифо маскандир. Марказнинг маслаҳат-ташхис поликлиникаси кунига икки юз беморга хизмат кўрсатишга мўлжалланган. 246 ўринли клиникада эса, эндокринологик касалликларга аниқ ташхис қўйиш ва замонавий технологиялар воситасида даволаш ишлари йўлга қўйилган. Кейинги йилларда марказда нейроэндокриноло-

гия, нейрожарроҳлик, нефропатия, гемодиализ бўлимлари очилди.

— Хасталикнинг келиб чиқишига тўғри овқатланмаслик, кам ҳаракатлилик сабаб бўлади, — дейди Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Саид Исмоилов. — Шу боис диабетга қарши кураш ойлиги доирасида инсонларга касалликнинг хавфли асоратлари ҳақида тушунча бериш, олдини олиш, аҳолининг бу борадаги билимини ошириш, соғлом турмуш тарзини омдалаштириш мақсадида тушунтириш ишлари, спорт мусобақалари, марафонлар ташкил қилинди. Эндокринология ва диабетологиянинг долзарб масалаларига оид илмий-амалий анжуманлар ўтказилди ва турли дастурлар намойиш этилди. Асосий мақсадимиз, тиббий маданият, соғлом турмуш тарзи бўйича кўникмаларни аҳоли орасида янада кўпроқ тарғиб қилиш, касалликнинг олдини олиш, уни тез ва сифатли даволашдан иборатдир.

Анжуманда қандли диабет профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини такомиллаштириш борасида эришилаётган ютуқлар ва келаждаги вазифалар хусусида ҳам сўз борди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**Адлия вазирининг буйруғи билан фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларининг янги шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидалар тасдиқланди.**

**ФҲДЁ ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ ТАРТИБЛАР**

Шу муносабат билан 2013 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги ва «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқлари ўз кучини йўқотди.

Шу кунгача юритилган туғилганлик, никоҳ тузилганлик, никоҳдан ажралганлик, ўлим ҳақидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларидан фарқи ўлароқ янги шакллари лотин ёзувида икки тилда ўзбек ва рус тилларида расмийлаштирилди.

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари шакллари тўлдиришнинг янги қоидаларига кўра, далолатнома ёзувлари давлат тилида фақат лотинча ҳарфлар билан киритилди. Бунда ёзувлар ҳаво ранг пастали шарикли ручкада қайд этилиши шарт. Қоидалар 2012 йил 2 ноябрдан қучга кирди.

**«Туркистон-пресс»**

**ХИЗМАТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА**

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзагрошсервис» уюшмаси томонидан машина-трактор паркларини янгилаш ва хизматлар кўламини кенгайтириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 9 ноябрдаги қарори асосида ташкил этилган мазкур уюшма фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга кенг маровли хизмат кўрсатаётгани алоҳида таъкидланди. Худудий ва туман машина-трактор парклари, таъминот корхоналари, таъмирлаш ва ишлаб чиқариш заводларидаги 2341 ҳайдов трактори, 1891 галла ўриш комбайни, пахта териш машиналари ва бошқа техника воситалари ер майдонларини ҳайдаш, ҳосилни йиғиб-тегириб олишда муҳим омили бўлмоқда.

Уюшмада маҳаллийлаштириш лойиҳалари асосида янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олтмишдан ортиқ савдо дўкони орқали фермер хўжаликлари ва ташиқлотларга эҳтиёт қисмлар, моддий-техник ресурслар етказиб берилмоқда, — дейди «Ўзагрошсервис» уюшмаси бошқарма бошлиғи Кодиржон Исмоилов. — Бундан ташқари, жорий йилда тизимдаги корхоналарда 28,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилга нисбатан 18,5 фоиз кўпдир.

«Ўзавтосаноат» компаниясининг дилерлик корхоналари билан ҳамкорликда уюшма тизимидаги туман машина-трактор парклари қошида 152 «Агротехсервис МТП» масъуляти чекланган жамияти тузилди. Бунинг самарасида паррандачилик ва чорвачилик хўжаликлари, маиший сервис шохобчалари ташкил этилиб, аҳолига хизмат кўрсатиш кўлами кенгайди.

Анжуманда «Ўзагрошсервис» уюшмаси томонидан техник хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни янада ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

**Сайёра ШОЕВА,**  
**ЎЗА мухбири**



**Фестиваллар**

**САНЪАТИМ — САОДАТИМ**

**Яқинда Мирзо Улугбек туманидаги 20-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида «Янги авлод» Республика болалар ижодиёти фестивалининг туман босқичи бўлиб ўтди.**

Фестивалда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирлар олти хил йўналишда ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Жумладан, фортепиано, тор, пуфлаб, уриб чалинадиган мусиқа асбоблари, вокал-анъанавий ва академик ижро асбоблари ҳамда замонавий рақслар, тасвирий санъат ва амалий санъат, насл ва назм иқтидорли ёшларимизнинг чиқишларида ўз аксини топди.

Тадбирда Камолитдин Бехзод номли Миллий рассомчилик ва дизайн институти ўқитувчилари, малакали мусиқашунослар ёшларнинг истеъдодини кузатиб, уларга муносиб баҳо беришди.

— Бу фестивалнинг ўтказилишидан мақсад, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва истеъдодини юзага чиқаришдан иборатдир, — дейди хайъат аъзоси Шаҳноза Рўзमतова. — Ўзим ҳам «Чашма» номли болалар рақс дастасининг раҳбариман. Шундай қобилиятли ёшларни тарбиялаётганимдан, қолаверса, санъатга, ватанга бўлган муҳаббатини ошираётганимдан фخرланаман.

**Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА**

**XXI аср — ахборот асрига аллақачон айланиб улгурди. Бунинг мамлакатимизнинг ахборот оламидаги тараққиётида ҳам яққол кўриш мумкин. Жумладан, мактабларда интерфаол электрон доскалардан фойдаланиш бўйича тажриба йўлга қўйилганлиги ҳам тасдиқламоқда.**

**ИНТЕРФАОЛ ЭЛЕКТРОН ДОСКАЛАР**

Тажрибага Тошкентдаги 28,50 ва 169-мактаблар жалб этилди. Уларнинг ҳар бирида битта синф хонаси электрон доска билан жиҳозланди. — Бизда интерфаол доскалардан фойдаланиш ишлари изчил давом этмоқда, — дейди 169-мактаб директори Еркинчи Маматова. — Ўқувчилар нафақат ўқитувчи томонидан тайёрланган материал намойишини, балки ўз ижодий ишларининг тақдирини ҳам сабрсизлик билан кутишади. Бу таълимий янгилликни амалга оширишда мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ҳамда Қори Ниёзий номидаги Педа-

гогика фанлари илмий-тадқиқот институти мутахассислари қатнашмоқда. Улар доскадан фойдаланишни дарсларда умумлашди ва самаралироқ бўлишига ёрдам берувчи мультимедиа дастурларини ишлаб чиқишди.

«Ўқимёвтоматика» даргоҳи билан ҳамкорликда маҳаллий интерфаол доскаларни яратишга ҳам киришилди. Тез орада барча мактабларда ушбу илғор усул қўллана бошланади. Кўриниб турибдики, ишланган ва корхоналарда тайёрланган интерфаол доскаларнинг истиқболи порлоқ.

**Акбар АЛИЕВ**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Хурматли ҳамшаҳарлар! Тошкент шаҳар Миробод тумани «Янги Кўйлик» маҳалласи Кўйлик 4-дахаси 11-уйда жойлашган «Янги Кўйлик коммунал сервис» масъуляти чекланган жамиятига қарашли уйлар умумий йиғилиш баённомасига асосан бирлашаётганлиги маълум қилинади.**

**Миробод тумани массив Кўйлик-4 «Янги Кўйлик» маҳалласидаги ХУЖМШ «Садоқат коммунал люкс»га бирлашадиган уйлар**

- 18-уй ХУЖМШ «Кактус коммунал сервис»
- 18/1-уй ХУЖМШ «Савобли люкс сервис»
- 19-20-уй ХУЖМШ «Садоқат коммунал люкс»
- 20/1-уй ХУЖМШ «Элеонора сервис люкс коммунал

**5 та уй 152 та хонадон**  
**Миробод тумани массив Кўйлик-4 «Янги Кўйлик» маҳалласига қарашли ХУЖМШ «Фарсал коммунал люкс»га бирлашадиган уйлар**

- 11-уй ХУЖМШ «Шумбола коммуналчи»
- 16/1-уй ХУЖМШ «Кларинс коммунал сервис»
- 17-уй ХУЖМШ «Фарсал коммунал люкс»
- 24/1-уй ХУЖМШ «Модало коммунал сервис»

**4 та уй 28 та хонадон**  
**Миробод тумани массив Кўйлик-4 «Янги Кўйлик» маҳалласидаги ХУЖМШ «Рада коммунал сервис»га бирлашадиган уйлар**

- 10-уй ХУЖМШ «Рада коммунал сервис»
- 10/1-уй ХУЖМШ «Камилла коммунал сервис»
- 23-уй ХУЖМШ «Маскотте коммунал сервис»
- 23/1-уй ХУЖМШ «Лермик коммунал сервис»

**4 та уй 96 та хонадон**  
**Миробод тумани массив Кўйлик-4 «Янги Кўйлик» маҳалласидаги ХУЖМШ «Финекс сервис люкс коммунал»**

- 7-уй ХУЖМШ «Мелея коммунал»
- 8-уй ХУЖМШ «Хурсанд коммуналчи»
- 9-уй ХУЖМШ «Финекс сервис люкс коммунал»
- 4-уй ХУЖМШ «Нандо коммунал сервис»
- 4/1-уй. ХУЖМШ «Муканна коммунал сервис»

**5 та уй 174 та хонадон**  
**Миробод тумани массив Кўйлик-1 «Чинор» маҳалласи ва «Парвона» маҳалласидаги ХУЖМШ «Ривсол коммунал сервис»га бирлашадиган уйлар**

- 8-уй ХУЖМШ «Ривсол коммунал сервис»
- 19-уй ХУЖМШ «Кўйлик Умидли Сервис»
- Мунис 68-уй ХУЖМШ «Тадбир тесервис коммунал»
- Мунис – 40/2-уй ХУЖМШ «Парвона люкс коммунал»
- 22-уй ХУЖМШ «Янги Кўйлик коммунал»

**5 та уй 188 та хонадон**  
**Миробод тумани массив Кўйлик-4 «Янги Кўйлик» маҳалласидаги ХУЖМШ «Кезоки коммунал сервис»**

- 14-уй ХУЖМШ «Кезоки коммунал сервис»
- 15-уй ХУЖМШ «Тикилла коммунал сервис»
- 5-уй ХУЖМШ «Дельфин сервис люкс»

**3 та уй 134 та хонадон**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

1. Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан Бектемир тумани, Ҳ.Бойқар кўчасидаги Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган кўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1. «Ваз-2103» русумли д/р 30W9813 бўлган 1978 йилда и/ч носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 01.04.2012 й, №1-195. Бошлангич баҳоси – 3 375 135 сўм. 2. «Дамас» русумли д/р 10/350AAA бўлган 2008 йилда и/ч носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 13.04.2012 й, №1-189. Бошлангич баҳоси – 27 000 000 сўм. 3. «Матиз» русумли д/р 70N318CA бўлган 2005 йилда и/ч носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 29.05.2012 й, №1-450. Бошлангич баҳоси – 12 800 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 11 декабрь кунини соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.**  
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 7 декабрь кунини соат 18:00.

II. Шунингдек аукцион савдосига тақоран Мирзо Улугбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:  
ЖАИБ Тошкент вилояти судининг 14.04.2011 йилдаги 2-28/11-сонли ижро варақасига асосан, ИП «Нобел Фармасона» КК майдончасида сақланаётган: 1. «Даймлер бенц» русумли д/р 15U0077 бўлган 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 65 800 000 сўм. 2. «Вольво» русумли д/р 17V6746 бўлган 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 51 700 000 сўм.

3. «MAN» русумли д/р 16M6959 бўлган 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 70 500 000 сўм. 4. «SCHMITZSK024» русумли д/р 16С616 бўлган 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 47 000 000 сўм. 5. «Мерседес-Бенц-1935» русумли д/р 15AF506 бўлган 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 31 960 000 сўм.

6. «SK-24» русумли д/р 19A351 бўлган 1995 йилда и/ч ярим-тиркама. Бошлангич баҳоси – 41 360 000 сўм.

**Аукцион савдолари 2012 йил 27 ноябрь кунини соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.**  
Тақоррий аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 23 ноябрь кунини соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk Markazi» ЁАЖнинг ОАИБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2021000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

«Тошкент оқшоми» газетасининг 2012 йил 9 июлдаги 134-сонда чоп этилган «RAHMAN QUL GROUP» м.ч.ж тугатилиши ҳақида берилган эълон бекор қилинади.

**Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида рассом Дилшод Азизовнинг «Bella Italia» деб номланган кўргазмаси бўлиб ўтди.**

**Кўргазмалар**

**САЁХАТЛАР САРАЛАНМАСИ**

Мусаввир дастлаб Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида, сўнгра Самарқанд бадий билим юртининг дастгоҳли рангасвир бўлимида ўқиди. Ўқиб баробарида «Ибн Сино ва Абу Сахлининг Хоразмдан Гургенжга қочиши» мавзудаги малакавий битирув ишини амалга оширди. 1998-2002 йилларда Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ҳам тахсил олди.

Шу билан бирга, Р.Аҳмедовнинг «Аёл боши», Н.Кашинанинг «Узум остидаги болалар» этюдини картондан матога ўтказишда таъмирлаш ишларини ҳамда «Рим кутубхонаси» асаридан нусха кўчиришни амалга оширди.

Кейинчалик Репин номидаги рангасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик Санкт-Петербург давлат академик институтида ўқишни давом эттирди. Битирув ишида Лука Жорданонинг «Вирсавининг чўмилиши» асарини профессор А.Алешин раҳбарлиги остида таъмирлайди. Рубенсинг «Венера ва Адонис», Фейт Янинг «Кўён, мевалар ва тўти натюрморти» асарларидан нусха кўчиради. Ўқиб билан ишни бирдай узвий ҳамоҳанглиқда олиб борган интилувчан рассом олийгоҳни олтин медал билан тамомлади.

У асар ёзиш билан бирга ноёб санъат намуналари ҳамда буюк асарларни таъмирлаш ишларида фаол иштирок этади. 2006 йилда Бутунроссия илмий тадқиқот таъмирлаш марказида «Навқирон эркак портрети», 2007 йилда профессор Григорий Александрович раҳбарлиги остида Эрмитажда Жероманинг «Ҳаммом» асари таъмирини ҳамда Флоренциядаги Уффици музейида «Мерожд», «Гўдак кўтарган Мадонна» асарларини кўчирмасини таъмирлашда иштирок этди.

Кўп йиллар давомида бадий кўргазмалар дирекцияси фонди бош хазинабони ва таъмирловчиси бўлиб фаолият олиб борди. Рангасвирчи сифатида фаолиятини тўхтатмаган ҳолда чизма тасвирлар билан ҳам иш олиб бориб барчани қувонтирди.

2012 йилда Италияга яна бир бор сафар уюштириб Рим, Флоренция, Милан, Кома, Пиза шаҳарларида бўлди. Мазкур экспозицияда унинг йўл-йўлакай яратилган қораламалари, рангасвир этюдлари ва суратлари ўрин эгаллаган. Уларда ҳозирги Италиянинг меъморчилик ёдгорликлари, портрет образлари, маиший саҳналар, рассом ва томошабин билан асарлар орқали бўлишгаётган бетакрор лаҳзалар акс этган. Асарларни томоша қилар экансиз, ҳар бир асар ўзгача бир дунёни ифодалаётгандай таассурот қолдиради.

**Гулногор САТТОРОВА**



Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

**Жорий йилнинг 26-28 октябрь кунлари Украинанинг Симферополь шаҳрида ўтказилган XII Бастакорлар халқаро танловида ўзбекистонлик ёш ижодкорлар Нодирбек Махаров ва Нурали Эркаевлар фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.**

**ЁШ БАСТАКОРЛАР ТАНЛОВИ**

Крим автоном Республикаси ҳамда Украина миллий бастакорлар уюшмаси томонидан ташкил этилган танловда Россия, Украина, Латвия, Арманистон, Беларусия каби дунёнинг барча давлатларидан ёш бастакорлар ўз асарлари билан иштирок этди.

Ҳамюртимиз Нурали Эркаев танловда фортепиано учун прелюдиялар туркуми, скрипка ва фортепиано учун «Рондо», Зулфия шевърига басталанган «Тингла, булбул» ҳамда танлов учун махсус ёзилган «Паганини мавзусига вариациялар» номли асарлари билан иштирок этди. Шунингдек, у танловнинг «Импровизация» номинациясида берилган мавзуга тайёргарликсиз янги музикий асар яратиш, саҳнада маҳорат билан ижро этди ва тингловчилар эътиборини қозонди. Нодирбек Махаров эса контрабас учун Умар Хайём

рубойларига ёзилган «Тўрт рубой» номли асарини ижро этди.

Ушбу нуфузли халқаро танлов совриндорлари Ўзбекистон Давлат консерваториясининг «Бастакорлик ва чолғулаштириш» кафедраси мудири, доцент, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати Ойдин Абдуллаева синфида тахсил олишади.

Шогирдларининг муваффақиятидан бошим кўкка етди, дейди Ойдин Абдуллаева. – Ватанимизда ёш истеъодларга ўз билим ва маҳоратини ошириши ва жаҳон саҳналарида ўзини намойён этиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ишончмиз билан мусиқа санъатини янада юксалтиришга қодир забардаст бастакорлар етишиб чиқади.

**Манзура БЕКЧОНОВА,**  
**«Туркистон-пресс»**

**МУСАВВИР ИЖОДИГА ЧИЗГИЛАР**

**Ўзбекистон Бадий академиясида мусаввир Шамсирўй Ҳасанова ижодига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Бадий академияси, Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда «Ўзбектеелефильм» давлат унитар корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мусаввирнинг «Богбон қиз», «Қашқар шоираси Мутриба», «Зебунисо», «Нодирабегим» каби асарлари намойиш этилди. Асарларда бой маънавий меросимиз ва қадриятларимиз, ўзбек аёлларининг ибодат ҳаёти акс эттирилган. Ш.Ҳасанова ўзбек тасвирий санъатига натюрморт жанрини олиб кирган ўз асарларида Шарқ ва Ғарб миниатюра мактаби аъёнларини уйғунлаштирган.

Устоз мусаввирлар, ёш рассомлар ва талабалар иштирок этган тадбирда «Ўзбектеелефильм» томонидан Ш.Ҳасанова хотирасига бағишлаб яратилган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

**«Туркистон-пресс»**

**Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида кикбоксинг бўйича Республика чемпионати бўлиб ўтди.**

**МАҲОРАТЛИЛАР ТЕРМА ЖАМОАГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ**

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яққаурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамда Республика кикбоксинг федерацияси ҳамкорлигида мусобақа ташкил этилди. Ушбу мусобақада Республика миқёсидан уч юздан ортиқ кикбоксинг усталари иштирок этиб 28 та медаллар учун кураш олиб бордилар.

Бу мусобақада спортчилар уч йўналиш бўйича, ўн етти ёшгача бўлган ўғил болалар фул контакт, ўн саккиздан юқори бўлганлар лов кик йўналиши бўйича куч синашган бўлсалар, қизлар эса семи контакт йўналишида рингга тушдилар.

Ўн етти ёшлилар ўртасида пойтахтлик Абдужалил Исроилхўжаев, Козим Саидазизов, сирдарёлик Рўзимурод Тўрақулов, наманганлик Бобур Акбаралиев, бухоролик Дилшод Исломов каби истеъодли спортчилар қолиб бўлиши.

Ўн саккиз ёшдан юқори бўлганлар ўртасида бўлиб ўтган баҳсда тошкентлик Нодир Исроиллов, Жамол Салим-

жонов, Аҳмад Алимбеков, Баҳодир Машарипов, навоийлик Даврон Қосимов, сирдарёлик Дилшод Содиков шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтаририлган бўлсалар, семи контакт маликалари пойтахтлик Шаҳноза Низомова, Шаҳноза Раҳматуллаева, андижонлик Асалои Норматова ҳамда Юлдуз Ҳайдаровага олтин медаллар насиб этди.

— Мен ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида фахрли биринчи ўринни эгаллаганимдан хурсандман, ниятим Ўзбекистон терма жамоаси сафидан жой олиб Осиё чемпионатида ватаним байрогини юксакка кўтариш, — дейди пойтахтлик Козим Саидазимов.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри спортчилари қолиб қиққан бўлса, Андижон вилояти иккинчи, Сирдарё вилояти вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон чемпионати якунига кўра терма жамоа сафига қўшилган истеъодли спортчилар Осиё чемпионатида қатнашадилар.

**Жавохир ТОШХЎЖАЕВ**

**Спорт янгиликлари**

**РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ**

Унга кўра Осиё чемпионлар лигаси ярим финалига етиб келган амалдаги Ўзбекистон чемпиони «Бунёдкор» 154-ўринда қайд этилган. Аввалги рейтингда Миржалол Қосимов шогирдлари 169-ўринга лойиқ кўрилган эди.

**Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси томонидан дунё клубларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.**

Ҳозирда чемпионликка интилаётган «Пахтакор» жамоаси эса рейтингда 185-ўрин-

ни эгаллаган. Аввалги рейтинг жадвалида «Пахтакор» 176-ўринда бораётган эди.

**Таиландда футзал бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати мусобақалари бошланди.**

**ХАЛҚАРО ҲАКАМЛАР САФИДА**

Ўн саккизинчи ноябргача давом этдиган ушбу нуфузли турнирда ҳамюртимиз ФИФА рефериси Шухрат Пўлатов ҳакам сифатида иштирок этмоқда.

Шухрат жаҳон чемпионатининг «С» гуруҳидаги Ливия-Португалия терма жамоалари учрашувини ҳакам сифатида бошқарди. Ундан ташқари Шухрат «F» гуруҳидан ўрин эгаллаган Россия – Солломон ороллари терма жамоалари баҳсида иккинчи ҳакам сифатида иштирок этди.

Эслатиб ўтамиз, ҳамюртимиз Шухрат Пўлатов жорий йилда БААда уюштирилган Осиё чемпионати финал босқичида ҳамда Кувайтда клублар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати финал босқичи баҳсларида фаолият юритган эди.

**РАҚИБЛАР МАЪЛУМ**

**Истиқлол шарофати туфайли юртимизда аёллар футболни ҳам жадаллик билан ривожланмоқда.**

Буни яқиндагина Малайзияда 19 ёшли қизлар ўртасида футбол бўйича уюштирилган Осиё чемпионатида саралаш баҳслари биринчи босқичи мусобақалари ҳам исботлаб турибди.

Унда Бангладеш, Ҳиндистон терма жамоалари билан куч синатиб ўз гуруҳида иккинчи ўринни қўлга киритган Ольга Ким шогирдлари Осиё чемпионатида саралаш баҳсларининг иккинчи босқич мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишганди.

Куни кеча Осиё футбол конфедерацияси томонидан Осиё чемпионатида саралаш турнирининг иккинчи босқич иштирокчилари ва учрашувлар тақвими эълон қилинди.

Унга кўра 2 декабрдан бошланадиган мазкур мусобақада ҳамюртларимиз «А» гуруҳидан ўрин эгаллашди. Энди Ольга Ким шогирдлари ўз гуруҳларида Эрон, Таиланд, Иордания терма жамоалари билан куч синатишади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**



**МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ**

Ҳар ким ўзича ҳақ.

Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди дейишади. Баъзан кўчадаги гап ҳам уйга тўғри келмайди.

Кўпдан буён битмай ётган иш баъзида бир ҳаракат билан битиб кетади.

Ҳар кимнинг ҳам давру даврони келади — фақат ўша кунларни сабру тоқат билан кутиш ва саъй-ҳаракатдан тўхтамаслик керак.

Кибр кўпинча соҳибига зиён келтиради.

Она дунёдан ўтса, уй хувиллаб қолгандай бўлади.

Ўзига ҳисоб бермайдиган, ўзини таҳлил қилмайдиган одам яхши одам эмас.

Биров йўқни бор қилади, Биров борни йўқ.

Ким ишни баҳона қилади, Ким қишни.

Бировни тинглай олиш ҳам ўзига хос истеъдод.

Бор яширади, Йўқ оширади.

Меҳнат қилган топади, Кам-кўстини ёпади.

Оқил вақтини қизганади, Жоҳил нақдини.

Андишали одам қайтмаслигини кўриб-билиб туриб ҳам яхшилик қилаверади.

Шукр қилиш қўлни қовуштириб ўтириш дегани эмас.

Ўз ҳурматини билмаган бошқадан ҳам ҳурмат кутмасин.

Одамларнинг ўзи барчани муносиб баҳосини беради.

Одамларнинг гап-сўзидан қочиб қутулиб бўлмайди.

Баъзида ақли одамлар ҳам ақлисиз ишлар қилишади.

Яхшиликни билганга ҳар қанча қилсанг оз.

(Давоми бор)  
**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 8 ноябрь кунини ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёлғизчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража илқ, кундузи — 16-18 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 8 ноябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳити зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фойз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.